

## ХІХ АСР ОХИРИ - ХХ АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ДЕМОГРАФИЯСИ ТАРИХИГА НАЗАР

*Ахмедова Зарнигор Фарходовна*

*Усмонов Ромозон*

*Ўзбекистон-Финландия педагогика институти*

**Аннотатсия:** Самарқанд вилояти 1886 йилда Зарафшон округи негизда “Туркистон ўлкасини бошқариш Низом”ига мувофиқ ташкил топди ва Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд ва Хўжанд уездларини ўз ичига олган эди. Худудларнинг демографик ҳолатига Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати маълум даражада таъсир ўтказди.

**Калит сўзлар:** демография, Зарафшон округи, миллий таркиб.

Зарафшон воҳаси марказида жойлашган Самарқанд вилояти турли тарихий даврларда ўзининг демографик манзараси билан ажралиб турган. Бундай манзара аҳоли динамикаси, унинг жойлашуви, миллий ва этник таркиби ва ҳ.з. каби жиҳатларнинг ўзгаришида намоён бўлди. Самарқанд вилояти 1886 йилда Зарафшон округи негизда “Туркистон ўлкасини бошқариш Низом”ига мувофиқ ташкил топди ва Жиззах, Каттақўрғон, Самарқанд ва Хўжанд уездларини ўз ичига олган эди. Худудларнинг демографик ҳолатига Россия империясининг ўлкада олиб борган мустамлакачилик сиёсати маълум даражада таъсир ўтказди.

1897 йилда Россия империяси томонидан ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири нафақат Туркистон ўлкаси, балки унинг аҳоли зич жойлашган худудларидан бири - Самарқанд вилояти демографик ҳолатига ойдинлик киритади. Маълумотларга кўра, вилоятда жами аҳоли 860021 кишини (ҳар иккала жинс) ташкил этган бўлиб, шундан 472443 (54,92 %) нафари эркак ва 387578 нафари аёл (45,08 %) лар ташкил этган. Вилоятнинг уездлари бўйича бу тақсимот қуйидаги кўринишга эга бўлган.

*1-жадвал [2,С.14]*

Уездлар	Эркак	Аёл	Ҳар иккала жинс (минг ҳис.)
Самарқанд уезди	190,644	151,553	343,197
Жиззах уезди	120,228	102,455	222,683
Каттақўрғон уезди	60,897	49,109	110,006
Хўжанд уезди	100,674	84,461	185,135
<b>Жами</b>	<b>472.443</b>	<b>387.578</b>	<b>860.021</b>

Агар аҳоли сони 1872 йилда Зарафшон округи, яъни фақат Самарқанд, Каттақўрғон бўлимлари ва Зарафшоннинг юқорисида жойлашган тоғли

туманлардан иборат бўлган округ билан қиёсланганда, фарқ сезиларли эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, округда шу йилда 280950 киши ҳисобга олинган бўлса, 1897 йилга келиб вилоятга айрим уездларнинг қўшилиши билан худуд кенгайиши ҳисобига аҳоли 860021 кишига етган. Бундан ташқари, бу ўсишга вилоятда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (товар-пул, савдо муносабатлари, ишлаб чиқариш, темир йўллар қурилиши)нинг таъсири ҳам катта бўлган. Вилоят аҳолисининг таркибида туб жой миллий гуруҳлар - ўзбеклар, тожиклар, яҳудийлар, форслар, лўлилар, афғонлар, ҳиндлар билан биргаликда, кейинчалик, Россиянинг Европа қисми, Волгабўйи, Сибирь ва Кавказ ҳамда бошқа минтақадан кўчириб келтирилган мигрантлар ҳисобига этник таркибнинг ўсиши кузатилади. Самарқанд вилоятидаги туб халқларнинг умумий сони 1889 йилда 707674 кишини, 1897 йилда 840077 ва 1914 йилда эса 904960 кишини ташкил этган [1, Б.78].

Лекин Биринчи аҳоли рўйхати олингунга қадар 1880 йилги маълумотларга кўра Зарафшон округи ўлканинг бошқа вилоятлари билан солиштирганда қуйидаги аҳоли миллий таркибига эга бўлади:

1-жадвал [3, С.326]

Вилоятлар	Руслар	Тагарлар	Сарглар	Тожиклар	Ўзбеклар	Қорақалпоқлар	Қипчоқлар	Туркманлар	Дунганлар	Таранчи.	Қирғизлар	Курама	Қалмиқлар	Мўғуллар	Форслар	Ҳиндлар
Еттисув	44,585	2,978	3,365		-	-	-	-	19,657	36,265	595,237	-	24,787	21,932	-	-
Сирдарё	8,477	4,321	210,774	57,841	25,771	-	-	-	-	-	709,370	77,301	-	3	-	135
Фарғона	1,229	-	344,023	11,580	19,852	7,060	70,107	-	343	-	126,006	-	-	182	-	370
Зарафшон	3,838	-	132,138	67,862	140,154	-	-	-	-	-	695	-	-	-	2,211	352
Амударё	1,184	10	5	110	16,195	51,710	-	5,860	-	-	31,385	-	-	-	715	-
Жами	59,283	7,300	690,305	137,283	182,120	38,770	70,107	5,860	20,000	36,265	1,462,693	77,301	24,787	22,117	2,926	857

Таҳлилларга кура, 1880 йилда Зарафшон округида худудлар орасида рус миллатига мансуб аҳоли нисбатан Еттисув ва Сирдарёда кўпчиликни ташкил

этиб, ўзбеклар ва тожиклар эса Еттисув, Сирдарё ва Амударё вилоятларига нисбатан Зарафшон округида кўпроқ истиқомат қилган экан. Бундан ташқари аҳолининг миллий таркибида қорақалпоқ, қипчоқ, туркман, қурама, форс ва ҳинду миллатлари ҳам муҳим рол ўйнаб, улар асосан Амударё ва Фарғона ҳудудларида сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этган.

Аҳоли этник таркибининг турлилиги бўйича эса, агар 1888 йилда вилоятда бтадан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилган бўлса, 1897 йилга келиб, 17дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилган. Империянинг миллий ҳудудларидаги вакиллар - татарлар, бошқирлар, арманлар, грузинлар, литвалик ва латишлар, поляклар, молдаванлар, французлар ва италянлар, немислар ҳамда шарқ мамлакатлари вакиллари билан бойиди [1, Б.79].

2-жадвал [4, С 33].

№	Миллий таркиб.	Фоиз ҳис.
1	руслар	1,477%
2	поляк ва литваликлар	0,137%
3	немислар	0,024%
4	словак ва греклар	0,001%
5	грузинлар	0,003%
6	арманлар	0,071%
7	Кавказнинг бошқа миллатлари	0,002%
8	форслар	0,009%
9	ҳиндлар	0,002%
10	афғонлар	0,013%
11	ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа ўтроқ аҳоли	97,521%
12	татарлар	0,003%
13	лўлилар	0,037%
14	яхудийлар	0,601%
15	Ғарбий Европалик хорижликлар	0,004%
	<b>Жами</b>	<b>100%</b>

Юқорида келтирилган жадвалда империянинг аҳолининг кўчириб олиб келиш сиёсати натижасида аҳоли миллий ва этник таркиби кенгайиб бориши билан бирга, бу миллатлар сони бўйича ҳам фарқлар сезилган. Жумладан аҳоли этник таркиби орасида ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа ўтроқ аҳолидан кейинги ўринда руслар, поляк ва литваликлар, немис ва арманлар турган бўлиб, татар, грузин, ҳинд, словак ва греклар сон жиҳатидан озчиликни ташкил этган.

Россия империясининг ўлкада олиб борган янги мустамлака бошқарув тизимининг кенгайиб бориши натижасида аҳолининг ижтимоий табақаланиш доираси кенгайиб борди, вилоят ижтимоий ҳаётида қуйидаги аҳоли қатламлари: амалдорлар, руҳонийлар, зиёлилар, савдогарлар, миллий буржуазия (мулкдорлар) деҳқонлар, хунармандлар, ишчилар қатлами ва бошқалардан иборат бўлди.

1888 йилдаги Самарқанд вилояти Европа аҳолисига мансуб таркиб таҳлил қилинган бўлиб, қатламлар орасида дворянлар (наслий зодагон табақа) қуйи давлат хизматчилари кўпчиликни ташкил этган. Ундан кейинги ўринда, мецчанлар (майда савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар), деҳқонлар ва бошқалар турган. Бундан кўринадики, империя ҳукуматининг ўлкани бошқаришдаги таянч қатлами бу давлат хизматчилари (маъмурлар, ҳарбийлар) бўлиши баробарида, иқтисодий муносабатларда мецчан ва савдогарлар ҳам муҳим роль ўйнаган.

Жадвалда келтирилган маълумотлар аҳоли ижтимоий муносабатлари орасида туғилиш, ўлим ва никоҳ соҳасида маълум даражада вилоятдаги демографик жараёнларга аниқлик киритди. 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида Самарқанд, Жиззах, Каттақўрғон ва Хўжанд уездлари кесимида никоҳ муносабатлари таҳлил этилган бўлиб, Вилоят бўйича никоҳ муносабатларида асосий улуш оилалиларга тегишли бўлиб, бунда кўп сонли оилалар 30-39, 40-49 ва 20-29 ёшдагиларни ўз ичига олади. Кейинги ўринни бевалар, оилалик ҳолати аниқ кўрсатилмаган ва ажрашганлар ташкил этади. Шу билан бирга, бу жадвалда кўрсатилган никоҳ-оила ҳолатлари асосан кўп сонли туб аҳоли улушига тўғри келади [2, С.14].

Вилоят маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳри - асосий сиёсий-маъмурий ва иқтисодий марказ бўлган. Шу боис, вилоят ва унинг марказини бошқариш учун маъмурий-ҳарбий, ижтимоий-хўжалик ва бошқа вазифалар нуқтаи назаридан аҳамиятга молик “Янги шаҳар” ёки “Рус қисми” барпо этилган. “Янги қисм”лар билан биргаликда кўчириб келинган аҳоли учун рус посёлкалари ҳам ташкил этилган. 1886 йилда дастлаб 4 та посёлка, яна ўн йилдан сўнг 4 та посёлка ташкил этилди ва 1898 йилга келиб уларнинг сони 9 тага етди [5, С.32].

Қисқача хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилояти Туркистон ўлкасида аҳолиси сони жиҳатидан зич жойлашган худуд саналган ва асосан XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг бошқа вилоятларга нисбатан туб жой аҳоли улуши сақланган худуд саналган. Россия империяси томонидан илк бор ўтказилган Биринчи аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижалари, нафақат ўлка, балки Самарқанд вилоятининг аҳоли демографик жиҳатларига ҳам маълум даражада таъсир ўтказди. Рўйхатга олиш жараёнида вилоят ва уездлардаги туғилиш, ўлим, оилавий муносабатлар никоҳ ва ажримларга аниқлик киритди. Империя ҳукуматининг ўлкада олиб борган кўчириш сиёсати натижасида аҳоли

этник таркибининг ўзгариши, шу жумладан, аҳоли миллий, диний таркибининг ўсишига ҳам таъсир кўрсатган. Кўчиб келишлар ҳисобига аҳолининг ижтимоий таркиби ҳам ўзгарди ва кенгайиб борди. Шу билан бирга, аҳоли ижтимоий табақаланишининг кучайиб бориши янги ижтимоий қатлам, гуруҳларни юзага келтирди. Янги ташкил этилган “Рус қисм” лари ва кўчириб келтирилган рус аҳолиси учун рус посёлкаларининг вужудга келиши вилоят аҳолисининг демографик манзарасига сезиларли таъсир кўрсатди.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Нормуродова Г.Б. XIX аср охири XX аср бошларида Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий стратификацияси. - Тошкент, 2013.
2. Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Самаркандская область. – СПб., 1905.
3. Костенко Л.Е. Туркестанский край. Т1. - СПб., 1880.
4. Обзор Самаркандской области за 1905. -Ташкент, 1906.
5. Обзор Самаркандской области за 1900 г. – Самарканд, 1901.